

ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА УНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

¹Махмудова Азизахон Носировна

²Алишеров Шохрухбек Мирзохиджон ўғли

¹Фарғона политехника институти

“Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти,

²Қурилиш факультети ГК ва К йўналиши 16-20 гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6560058>

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада буюк фикҳ илми ва суннийлик мазҳабини ривожлантиришга кенг хисса қўшган намоёндои Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёт фаолияти, ижодий мероси ва уни ўрганишда Республикада қилинаётган ишлар юзасидан маълумотлар бериб ўтдик. Шунингдек, ушбу мақолада Имом Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари, ул киши томонидан битилган бой диний мерослари ҳақида ҳам ўз кетади. Бир нарса аниқки, биз ёшлар шу аждодларимиз томонидан қолдирилган бой ва бебаҳо меросларидан ўзимизга ажиб бир куч оламиз.

Калит сўзлар. Имом Абу Мансур Мотуридий, Абу Наср Иёзий, «Таъвийлоту аҳлис-сунна», Марказий Осиё, «Китобут-тавҳид», Абу Бакр Аҳмад Жузжоний, Аҳли сунна.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий - буюк калом имоми ва фикҳ олими асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғидан (ҳозирги Жонбой туманида жойлашган) бўлиб, унинг таҳаллуси шу қишлоққа нисбатан олингандир. У дастлабки таълимни шу қишлоқда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради. Абу Мансур ал-Мотуридий туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ал-Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, Ҳанифия мазҳаби олимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Бутун умри давомида шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдиргандир. Абу Наср Иёзий имом Абу Мансур Мотуридийнинг дастлабки устозларидан бўлган. Бу кишининг насаби ҳам ансорийларга бориб тақалади. Абу Наср Иёзий раҳматуллоҳи алайҳи Яҳё ибн Қайс ибн Саъд ибн Убода Ансорий Хазражий розияллоху анхунинг авлодларидан бўлади. Абу Наср Иёзий имом Абу Мансур Мотуридийнинг устози



бўлиши билан бирга, у кишига ҳамдарс бўлиб, Абу Бакр Аҳмад Жузжонийнинг ҳалқаларида дарс олар эди. Абу Наср Иёзий катта олим ҳам эди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, юртда у кишига тенг келадиган олим йўқ эди. Абу Наср Иёзий турк юртларида бўлган урушлардан бирида шаҳид бўлган. Ханафия мазҳаби имом Абу Мансур Мотуридий томонларидан яна ҳам ривожлантирилди. У киши ўз замонларидаги мусулмонлар орасида пайдо бўлган нотўғри тушунчаларга ечим топдилар. Ўша вақтдаги бузғунчи фирқалар ақийда бобида сочаётган заҳарлардан пайдо бўлган ақийдавий дардларни даволашга ҳаракат қилдилар. Душманларнинг кирдикорларини фош қилиб, Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг ҳақиқатини очиқ-ойдин кўрсатиб бердилар. У киши ханафий мазҳабида бўлиб, аввал айтиб ўтганимиздек, Имоми Аъзамнинг шогирдлари имом Муҳаммад ибн Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳининг икки восита ила шогирдлари бўлганлар. Яъни у кишининг устозлари имом Муҳаммаднинг шогирдлари бўлган. Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи Мовароуннаҳрда Аҳли суннанинг шайхи бўлиш даражасига эришганлар. Бу ерда Аҳли сунна кўп ва ғолиб бўлгани учун, у киши имом Ашъарийга ўхшаб ҳар хил йўлларда ва турланишларда бўлмаганлар, балки аввал бошдан мўътадил йўлдан бориш имконини топганлар. У киши кези келганда нақлга, кези келганда ақлга ўз ҳаққини берганлар. Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи Аҳли сунна вал жамоа фуқаҳолари ва муҳаддисларидан биридирлар. У киши жуда ҳам машҳур бўлиб, Мовароуннаҳрда барча турдаги илмий масалаларда у кишига мурожаат қилинган. Улар у кишидан ақоид, фикҳ, усулул фикҳ ва бошқа диний илмларни таълим олганлар. Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи усул бўйича «Китобул жадал»ни ва фикҳда «Маъохизуш-шарийъа»ни таълиф қилганларидан кейин шуҳратлари яна ҳам ошиб кетди. Шундан кейин илми каломда шуҳрат қозониб, Хуросон аҳлининг мазҳаб соҳибига айландилар. Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг ақийдадаги мазҳаблари Абулҳасан Ашъарийнинг мазҳабига тенг бўлди. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Алломанинг ислом оламида жуда нозик ҳисобланган «Китаб Тавҳид» — асари бизнинг давримизга етиб келган. Имом Мотуридий ўзларининг бу асарларида мутакаллимлар услуби ила Аҳли сунна ва



жамоанинг эътиқодини баён қилганлар. Имом Мотуридий ўз китобларида жисмларнинг кейин пайдо бўлганига нақлий, ақлий ва ҳиссий далиллар келтирганлар. У киши худди шу далилларни Аллоҳ таолонинг борлигига ҳам далил қилиб келтирадилар. Имом Мотуридий Аллоҳ таолони кўриш кайфиятсиз бўлишини таъкидлайдилар. Мазкур кўриш мўминлар учун охиратда бўлиши ва бу дунёда бўлмаслигига Қуръони Каримдан оятларни далил қилиб келтирадилар. Роҳманнинг Аршга истивоси ҳақида имом Мотуридий қуйидагиларни ёзадилар: «Биз бу ҳақда ақлда собит бўлган қуйидаги нарсани айтамыз: Аллоҳ таоло макон йўқ пайтда ҳам бор эди. Маконларнинг йўқ бўлиб кетиши жоиз, аммо У Зот қандай бўлса, ўшандай тураверади. Ҳозир қандай бўлса, ўшандай эди. У Зот ўзгаришдан, заволдан, ботилликдан устундир. Биз бу ҳақда Танзилда, яъни Қуръонда келган нарсани айтамыз. Фиқҳ ва калом соҳасида машҳур бўлган. Абу Мансур умри давомида фақиҳлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлган ва мунозарлар олиб борган. У ислом дини Ҳанафия мазҳабини Мовароуннаҳрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга қусурсиз етказиш ишига муҳим ҳисса қўшди. «Таъвийлоту аҳлис-сунна» тафсирининг ярми мисрлик олимлар томонидан чоп этилган ва кўпчилик фақат шуни билади. Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг Ислом оламидаги ва аҳли илм ичидаги мартабалари жуда ҳам юқори бўлган.

Ал-Мотуридийни улуғлаб «Имом ал-Худа» ва «Имом ал-мутакаллимин» (Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам атаганлар. Мотуридия ақидаси ва Ашаърия ақидаси ўртасида айрим масалаларда қарама-қаршилиқлар мавжуд баъзи олимлар 15 та бошқалари 40 та ҳисоблаган. Жумладан; Ашъарий инсонга ўз тоқатидан ташқари ишга таклиф этилиши мумкин, Мотуридий эса мумкин эмас деб айтади. Шуни алоҳида таъкидлаймизки, Мотуридия ақидасига тааллуқли барча масалаларни шайх Абу Мансур Мотуридийнинг бир ўзи тузиб, тартибга солган эмас, балки ул зотга қадар ҳам Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси маълум даражада шакилланиб улгурган эди. [2] шайх Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг хизматлари шундан иборат бўлганки, ўша даврдаги ақидавий оқимларнинг салбий таъсирини кесиш, улар иддаолари, яъни мақсадларига раддия бериш, кучли ва асосли далиллар келтириш орқали ҳақиқий ислом ақидасини



ҳимоя қилиш, илми калом, мантиқ ва мунозара қоидаларига суйанган ҳолда жаҳолатга қарши илм маърифат билан жавоб берганлар.

Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ислом оламидаги фаолиятини энг аҳамиятлиси 4 та асосий мазҳабни мукамал тарзда ўрганиб,фиқҳга ва каломга оид асарлар ёзди. Шунингдек, Имом Абу Мансур Мотуридийга тегишли бўлган “Рисола жонвор дорий” (Жониворларга оид рисола) деб номланган асари овчи қушларни парваришлаш ва уларнинг турлари ҳақида илмий асосланган ҳолда маълумотлар беради. Жумладан; бу асарларида бургутларнинг ҳар-ҳил зотлари,уларнинг ташқи кўринишлари,уларни кўпайтириш усуллари ҳақида маълумотлар берадики,демак Имом Абу Мансур Мотуридий нафақат ислом дини балки, дунёвий илмий масалалар билан ҳам машғул бўлганлиги ва ютуқларга эришганлиги тилга олиб ўтилади.Собиқ Совет Иттифоқи даврида бизнинг аждодларимизга ва уларнинг илмий меросига беписандлик билан қаралган, мустақилликка эришганимиздан сўнг буюк диний ва дунёвий алломаларимизнинг фаолияти, илмий мерослари яна қайта тикланди, ҳурмат бажо келтирилди.Имом Бухорий,Маҳмуд аз-Замаҳшарий,Имом ат-Термизийлар қаторида 2000-йил ноябрь ойида Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланди. [4].Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020- йил 24- январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам “жаҳолатга қарши- маърифат” деган эзгу ғояни илгари сурган ҳолда Имом Абу Мансур Мотуридийнинг илмий меросига бағишланган ҳалқаро илмий – амалий конференциялар ташкил этиш тўғрисида тўхталиб ўтдилар. Бундан кўриниб турибдики, аждодларимизга ва уларнинг илмий меросларини ўрганиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.Ўзбекистон ҳар доим диний бағрикенг ва миллатлараро тотувликка асосан ўз позитциясида қатъий туради. [1].

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Nosirovna M. A. The role of suleymanov rustam khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 85-87.



2. Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.

3. Nosirovna M. A. Issues of history world civilization in the scientific research of rh suleymanov //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.

4. Makhmudova A. N. ISSUES OF HISTORY WORLD CIVILIZATION IN THE SCIENTIFIC RESEARCH OF RH SULEYMANOV //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.

5. Махмудова А. Историческое значение проводимых исследований ученых археологов на территории Согда //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 42-46.

6. Maxmudova A. The history of obirahmat cave exploration //Збірник наукових праць ЛОГОС. – 2020. – С. 74-75.

7. Махмудова А. Н. Человек, преданный науке //Молодой ученый. – 2020. – №. 9. – С. 130-132.

8. Азизахон М. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 233-241.

9. Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.

10. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.

11. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.



12.Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.

13.Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.

14.Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.

15.Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.

16.Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.

17.Rahimov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.

18.Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.

19.РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.

20.Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //" Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\

21.Abdumannonovich N. M. et al. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Yosh Tadqiqotchi Jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 69-74.



22.Rakhimov I. A. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Современные проблемы и перспективные направления развития науки. – 2021. – С. 9-17.

23.Рахимов И. А. ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ КАК ОСНОВА МЕЖЭТНИЧЕСКОЙ ГАРМОНИИ //Science Time. – 2022. – №. 1 (97). – С. 30-33.

24.Мирзаев А. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. – 2019. – С. 81-84.

25.Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.

26.Мирзаев А. А. ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ТУРИСТСКИХ ВЫСТАВОК В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник Науки и Творчества. – 2022. – №. 2 (74

27.ТИШАБАЕВА, Л., & КАДИРОВА, Д. ЭКОНОМИКА И СОЦИУМ. ЭКОНОМИКА, 446-449.

28.Умурзаков А. М. Влияние различных факторов на процесс обучения студентов //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 176-178.

29.Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.